

Масжиддан жанозага эълон қилиш

09:50 / 10.04.2018 4164

Савол:

Ассалому алайкум! Ман қишлоқ жойда истиқомат қиламан, аввалари худудимизда жаноза ёки бирон масжид ва қабристонларда бўладиган хашар ҳақидаги хабарлар масжид овоз кучайтиргичи орқали халққа маълум қилинар эди. 1 йил аввал масжидимиз имоми ўзгарди ва бизнинг бу харакатимиз яъни жаноза хабарларини масжидда овоз кучайтиргич орқали маълум қилиш дуруст эмаслигини айтдилар. Шу масалага ойдинлик киритиб берсангизлар. Бизда жарчи штаби йўқ ва жаноза хабарини масжид калонкасидан хабар қилинса бутун қишлоқ ахли эшитарди ва қатнашар эди. Ҳозир кўпчилик инсон маълумотсиз қолиб кетмоқда шу борада ёрдам берсангизлар. Масжид овоз кучайтиргичлари орқали жанозага эълон қилсак бўладими?

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

هُلِّلَا لَيْلَهِ لَوْلَا لَوْ سَرَّ أَنْ لَيْعَنْ: لَأَقُوعُ نَعُ لَوْلَا يَضَرَّ رَهْ يَبْأَنْ
لَأَقُوعِ هَيْ فَتَامِ يَدِّ لَمْ وَيْ، شَبَّخْ لَبِحَاصِّ يَشَّجَّ نَلَّ مَلَسَّ وَهَيْ لَع
مُكَيَّحْ أَلْ أَوْ رَفَّ عَتْ سَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳабашистон подшоҳи
Нажоший вафот этган куни унинг ўлими хабарини етказиб:
«Биродарингиз учун мағфират сўранг», дедилар».**

Ушбу ҳадисдан фуқаҳолар вафот топган киши ҳақида хабар бериш жоизлигини олганлар. Аммо масжиддан туриб халққа эълон қилиш тўғри иш эмас. Яхшиси тўйларга уселителни ижарага берадиганларнинг уйида ҳамма вақт овоз кучайтиргич бўлади. Ўшандан эълон қилдирган яхши.

لَأَقُوعِ مَلَسَّ وَهَيْ لَعُ هَلِّلَا لَيْلَهِ لَوْلَا لَيْعَنْ، نَعُ لَوْلَا يَضَرَّ رَهْ يَبْأَنْ
مَلَسَّ وَهَيْ لَعُ هَلِّلَا لَيْلَهِ لَوْلَا لَيْعَنْ، نَعُ لَوْلَا يَضَرَّ رَهْ يَبْأَنْ
دَوَادُ وَبَأُومَلَسُّمُ هَاوَر. أَدُولَ نَبْتُ مَلَسَّ يَجَّاسَمَلَا نِإْف

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким масжидда йўқолган нарсасини сўроқлаган одамни эшитса, унга «Аллоҳ уни сенга қайтармасин. Масжид бунинг учун бино қилинмаган», десин», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, масжидда туриб, йўқолган нарсани эълон қилиш, уни излаш мумкин эмас. Чунки масжид ибодат масканидир. Йўқолган нарсаларни топиб берадиган идора эмас.

Аммо масжид эшигидан ташқарида у ерга келганлардан йўқолган нарса ҳақида маълумот сўраса бўлади. Ушбу нарсага ниҳоятда эътиборли бўлишимиз лозим.

Баъзи жойларда имомлар минбарда туриб, йўқолган нарса ҳақида эълон қиладилар. Бу тўғри иш эмаслиги ҳадисдан кўриниб турибди. ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан). Валлоху аълам!